O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 8 июль, № 135 (4798) Чоршанба

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

Бухоро:

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН БАҲРАМАНД ВОҲА

Мустақиллик ҳар биримизнинг муносиб ҳаёт кечиришимиз учун имконият яратиб берди. У ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам асосини яратди. Зеро, истиқлол йилларида бой ва муқаддас тарихимиз, меросимиз кўз қорачиғидек асралиб, ардоқланиб келинаяпти, урф-одатларимиз, анъаналаримиз қайта тикланди.

Меҳр-муҳаббат, бағрикенглик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусига ошно тутиндик. Булоқдек кўз очган қадриятларимиз қўнгилларга бир ҳовуч нур каби ёруғлик олиб кирди. Бухоро ва бухороликларнинг тақдири мисолида ҳам буни кўришимиз, ҳис этишимиз мумкин.

...Бухоро туманидаги Зирабод қишлоғида яшовчи Саид Абдуллаевнинг суяги далада қотган. Кетмон чопди, табелчилик, бригадирлик, мироблик қилди. Хўжаликда ҳосилот бўлиб ишлади. Суҳбатлашиб қолсангиз, "Ҳеч бири фермерликка етмас экан", дейди. "Қишлоқ мулкдориман, эл назаридаги кишиман", дея ғурурланади. Қишлоқда ғурурли, ор-номусли инсонларнинг кўплиги яхши. Фермер давлатга 51 тонна дон топшириб, шартнома режасини аллақачон бажариб қўйди. Ўзи ва ишчилари ихтиёрига яна ўттиз тонна дон қолди. Ҳар ишловчига салкам икки тоннадан дон тўғри келаяпти. Ишлаган қандини урсин!

— Мустақиллик ҳаётимизни ўзгартириб юборди, — дейди "Дилноз ўғли Абдухалил" фермер хўжалиги раҳбари бўлган Саид Абдуллаев. — Меҳнатимиз қадр топаяпти. Мана, мени олиб кўринг. 2004 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор" унвони соҳиби бўлдим. Ўйлаб қарасам, Мустақилликнинг ўн саккиз йили қишлоқдошларим ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирибди. Ҳозир ҳар уч хонадоннинг бирида енгил автомашина бор. Атайин санаб чиқдим, эллиқтадан кам эмас. Ваҳоланки, ўн саккиз йил аввал бутун бошлиқ қишлоқда енгил автомашинали икки-уч хонадон бор эди, холос.

Саиджон ҳақ. "Қавола Маҳмуд" қишлоқ фуқаролар йиғинида кўп бўлганман. Ҳудуддаги равон кўчалар, кўркам мактабу замонавий қишлоқ врачлик пунктлари, шинам турaржойлар — Мустақиллик шарофати. Қишлоққа саноат кириб келганини айтмайсизми?

— Бир пайтлар олис йўл босиб, ишлагани Бухоро шаҳрига борардик, — дейди бу ердаги "Ростекстрой" қўшма корхонаси тикув цехи устаси Ҳабиба Рўзиева. — Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаги дастгоҳларни ҳозирги замонавий ускуналар билан хаёлан таққослаб, улар ўртасида ер билан осмонча фарқни кўраман. Қўл остимда 32 нафар ишчи меҳнат қилаяпти. Барчаси қишлоғимиз ёшлари. Улар қўлидан чиққан момиқ сочиқлар фақат экспортга, хорижга жўнатилаяпти. Илгари буни тасаввур ҳам қилолмасдик.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЖИЗЗАХда ёш оилалар учун 2 та кўп қаватли 32 хонадонли турaржой биноси фойдаланишга топширилди.

Ёш оилалар учун турaржой

Барча қулайликларга эга бўлган ушбу уйларнинг биринчи қаватида дўкон ва турли хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Айтиш лозимки, ёш оилалар "Ипотекабанк"нинг имтиёзли кредити эвазига янги уйга эга бўлишди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ давлат педагогика институтида "Бунёдкор — 2009" қурилиш отрядининг анъанавий йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирдан сўнг бунёдкор талабалар ўзларига биркитилган объектларга йўл олишди.

Бунёдкор талабалар

Жумладан, Навоий давлат кончилик ва Педагогика институтларининг 160 нафар талабаси "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги объектларда фаолиятини бошлаб юборди. Ҳозирда улар "Темур Малик" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Энг муҳими, бу ерда меҳнат қилиш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ойлик иш ҳақи эса икки юз минг сўмни ташкил этмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН вилояти Уйчи тумани Бандликка кўмаклашиш маркази аҳолини иш билан таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришиб келмоқда.

Натижалар салмоқли

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида мазкур марказ кўмагида бир минг саккиз юз нафардан зиёд киши турли корхоналарга ишга жойлаштирилди, 180 нафари жамоат ишларига жалб этилди. Албатта, бу борада меҳнат ярмаркаларининг ўрни катта бўлаётир. Масалан, йилнинг биринчи чорагида уч марта меҳнат бозори ўтказилган бўлиб, уларда иштирок этган 47 та корхона 595 нафар кишини ишга қабул қилди. Туман аҳолиси ушбу марказ фаолиятидан мамнун.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН вилоятининг Булоқбоши туманидаги Кулла қишлоғи Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида обод гўшалардан бирига айланяпти.

Қишлоқнинг янги қиёфаси

Гап шундаки, қишлоқ тадбиркорлари маслаҳатлашиб, кўримсиз савдо дўконлари ва сервис хизмати шохобчалари бинолари ўрнида 23 та замонавий, барча қулайликларга эга савдо дўкони ҳамда хизмат кўрсатиш маскани қуриб битказишди. Натижада ушбу 55 нафар ёш иш жойига эга бўлди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД шаҳрида миллий маросим, турли тадбир ва тўйҳашамлар ўтказишга мўлжалланган "Самарқанд" миллий уйи иш бошлади.

Кўркам, қулай ва шинам

"Stella-Evrans" сайёҳлик компанияси саъй-ҳаракати билан барпо этилган мазкур мажмуада миллий маданиятимиз ҳақида маълумот берувчи кўргазмалар ташкил этиш ҳамда фольклор дасталарининг чиқишларини уюштириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, мажмуа таркибидаги шарқона жиҳозланган меҳмонхонада сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Парламент назорати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида "Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тизимида ижро этилиши масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Қўмитанинг мутасадди раҳбарлар иштирокидаги кенгайтирилган ушбу йиғилишида масалани ўрганиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари муҳокама этилди.

ҲИСОБ-КИТОБДА АНИҚЛИК ЗАРУР

Айтиш жоизки, бухгалтерия нечоғли яхши ишласа, ҳисоб-китоб юритиш қоидаларига қанчалик аниқ ва пухта риоя этилса, корхонанинг истиқболи ҳам шунчалик равшан бўлади. Бу борада "Ўзбекэнерго" ДАК марказий аппарати ва таркибий бўлинмаларида муайян ишлар амалга оширилаётир. Айниқса, замонавий компьютер технологиялари ҳисоб-китоб ишларини анча енгиллаштирмоқда. Бироқ ана шу компьютернинг ўзи бир қарашда арзимаган бўлиб туюлса-да, кейинчалик жиддий қонунбузилишига айланиб кетадиган хатога йўл қўйишда "ёрдам бериб юбориши" ҳам ҳеч гап эмас экан.

Юқорида таъкидланган Қонуннинг 2-моддасига кўра, электр энергиясидан фойдаланувчилар тўлиқ ва аниқ молиявий, бухгалтерия маълумотлари билан таъминланишлари лозим. Лекин "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" ва "Тошкент электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларида ушбу модданинг бажарилишига етарли эътибор берилмаган.

Ҳозирда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган бозор иқтисодиёти шароитида "акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши", "ички ва ташқи аудит" сингари иборалар биз учун одатий бўлиб қолди. Айнан шу сўзлар ҳисоб-китобда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олишда ёрдам берадиган назорат воситаларини англатади. Бу воситалар тўлиқ ишга солинмаса, айрим раҳбарлар учун қулай бўшлиқ ҳосил бўлади. "Ўзбекэнерго" ДАК тизимида ҳам шундай ҳолатлар юз берган. Яъни компания таркибидаги жамиятларнинг Кузатув кенгашлари ўз мажлисларида корхонанинг молиявий ҳолатини, ҳисоб-китоб ишларининг юритилишини таҳлил қилмаган. Натижада маблағ ўзлаштириш ҳолатлари нафақат "Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида"ги, балки акциядорлик жамиятлари фаолияти билан боғлиқ бир қатор бошқа қонун нормаларининг ҳам бузилишига олиб келган.

Шу ўринда бухгалтерия ҳужжатларига синчковлик билан ёндашиш зарурлигига тўхталиб ўтиш жоиз. "Банк ўтказмайди!" деган, бизни ҳушёр торттирувчи, ҳатто, бир оз пўписага ўхшаш иборани кундалик турмушда ҳам кўп эшитаяпмиз. Компанияга тегишли бухгалтерия ҳисоботлари, ҳисоб-фактуралар ва юк хатларида эса белгиланган тартибда тасдиқланмаган тузатишлар, бўяб-бўрттириб ёзишлар кўп. Ваҳоланки, Қонуннинг 10-моддасида бухгалтерия ҳужжатларига ўзгартириш киритиш мумкин эмаслиги қатъий қилиб белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

ТИЗИМДАГИ ТАЖРИБА

эртанги муваффақиятларга кафолатдир

Маълумки, парламент қуйи палатасининг иш режасига мувофиқ, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзолари 2007 йил май ойида "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Қонуннинг бажрилишини Андижон вилояти мисолида ўрганган эди. Ўтказилган назорат-таҳлил жараёнида соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилиб, давлат ер кадастри тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўмита қарори қабул қилинган эди.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган йиғилишда мазкур қарорнинг бажарилиши юзасидан "Ергеодезкадастр" Давлат қўмитасининг тегишли ахбороти эшитилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, қўмита қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўтган вақт мобайнида "Ергеодезкадастр" Давлат қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, жойларда давлат ер кадастри ишларининг юритилишини янада яхшилаш, туман, шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматларини замонавий ер ўлчаш асбоблари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. Шу мақсадда давлат бюджети маблағлари ва халқаро тендер натижалари асосида энг замонавий 160 та йўлдош тизимили геодезик асбоб-ускуналар ҳамда уларга тегишли дастурий таъминотлар сотиб олинган ва жойларга етказилиши таъминланган. Бундан ташқари, тупроқ намуналарининг кимёвий таҳлилларини ўтказишни тезлаштириш ва бу ишларни ҳудудларнинг ўзида, бевосита далада тез ва сифатли амалга ошириш мақсадида еттита агромобиль лабораториялари ташкил этилган.

Шунингдек, йиғилишда ҳозирги кунда космик ва аэросуратлардан кенг фойдаланилган ҳолда, аниқлик даражаси юқори бўлган электрон рақамли карталарни яратиш технологияси йўлга қўйилгани ва бу соҳадаги ишлар янада жадаллашуви хусусида сўз борди.

Эътироф этилганидек, ҳозирда халқ хўжалигининг турли соҳаларида электрон рақамли карталардан фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, картани чизиш ва ҳисоблашнинг эски услубидан воз кечилиб, эндиликда уни компьютерда чизиш ва ҳисоблашнинг мукаммал усули жорий қилинди. Ушбу услуб майда ва мураккаб элементларни юқори аниқлик билан чизиш ва ҳисоблашда, чизма графика сифатининг ортиши ҳамда маблағни иқтисод қилиш имкониятини яратиб берди.

Шу билан бирга, йиғилишда қўмита қарори бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида атрофлича фикр билдирилди. Қизғин мулоқот чоғида ерларнинг сифатига қараб баҳо бериш технологиясига риоя этилиши, давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимида шаклланган ижобий тажриба ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш тартиби ва мулк ҳуқуқини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

ТОШКЕНТНИНГ САРА ДОНИ

Тошкент вилояти ғаллакорлари қабул масканларига 302,8 минг тонна сара дон топшириб, шартномавий мажбуриятни бажардилар.

Вилоят деҳқонлари жорий йил ҳосили учун 133,5 минг гектар майдонга воҳа иқлим шароитига мос, юқори ҳосилли ғалла уруғи сепишган эди. Фермерлар ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли бажарилгани туфайли баракали ҳосил етиштирилди.

Суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртача 52,6 центнерни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Бўка ва Қуйи Чирчиқ туманларида 57, Паркент ва Қибрай туманларида 59, Тошкент ва Зангиота туманларида 60 центнердан ошиб кетди. Баъзи илғор фермер хўжаликларида эса бундан-да юқори натижаларга эришилгани диққатга сазовордир.

«Галла — 2009»

Ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 304 та комбайн, 1520 та автотранспорт жалб этилган бўлиб, улар кучидан самарали фойдаланилмоқда. Натижада дон сифатли ўриб-янчилиб, қабул масканларига етказилмоқда.

Мажбурият уддаланган бўлса-да, вилоятда ўрим-йиғим ишлари жадал олиб борилаётир. Сабаби, ҳали далаларда ҳосил мўл. Ҳосилдан бўшаган майдонлар сомондан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинаётир.

С. РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



Ҳар бир хонадонга — тоза ичимлик суви

2009 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз бўйича жами **237,7** километр узунликдаги ичимлик суви қувури ётқизилиб, ишга туширилди.

Амалга оширилган ана шу тадбир натижасида юртимиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча яхшиланди.

ҲИСОБ-КИТОБДА АНИҚЛИК ЗАРУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонуннинг 11-моддасида эса, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг аниқ ва тўғрилиги активлар ҳамда мажбуриятларни мажбурий инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади, деб кўрсатилган. "Ўзбекэнерго"нинг йиллик ҳисоботидаги рақамлар инвентаризация натижаларига асосланган бўлса-да, айрим муддати ўтган дебиторлик қарзлари бўйича солиштирма далолатномалар тузилмаган. Масалан, "Қўқонмарказ" ва "Фарғонамарказ"га тегишли 190 миллион сўмдан иборат қарздорликлар 2000 йилда пайдо бўлганига қарамай, шу пайтгача солиштирма далолатнома тузилмасдан, ҳисоботдан ҳисоботга ўтиб келаяпти.

Электр энергияси таъминоти бўйича шартномалар хусусида тўхталадиган бўлсак, у қонунчиликка кўра, барча истеъмолчилар — ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар билан тузилиши лозим. Бундай шартномаларнинг йўқлиги Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг айрим туманларида узатилган электр энергияси учун қарзлар масаласида баъзи бир чалкашликларга сабаб бўлган. Масалан, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар электр тармоғи идораси маълумотларига кўра, фуқаро Л. Лейслининг электр энергиядан 835 минг сўмдан зиёд қарзи бор. Бироқ ўрганиш жараёнида у истеъмолчи сифатида хонадонига ўрнатилган ҳисоблагич кўрсаткичлари асосида энергия ҳақини мунтазам тўлаб борганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Ана шундай "мавжуд бўлмаган қарз" муаммосини қўшни хонадон мисолида ҳам кўриш мумкин. У ерда 2007 йилдан буён тиш даволаш хонаси жойлашган бўлиб, нотураржой тоифасига ўтказилган. Ва Х. Тўраев томонидан мунтазам равишда олдиндан тўлов амалга ошириб келинади. Шаҳар электр тармоғи корхонаси ҳужжатларида бўлса, унинг собиқ эгаси О. Феттева бир миллион сўмдан ортиқ қарз экани ҳақидаги маълумот сақланиб турибди. "Мазкур электр энергияси аслида фойдаланилганми ўзи?" деган савол туғилади. Негаки, "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖнинг дебиторлик қарзлари умумий миқдорининг ярми — бир неча ўн миллиард сўм — аҳолига тегишли. Бу, табиийки, шубҳа изидан шубҳа уйғотади. Чунки юқорида қайд этилганидек, битта хонадонда бир-икки йил ичида бир миллион сўмлик чироқ ёқилганига ақл бовар қилмайди.

Шунингдек, "Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси" ОАЖнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботидаги молиявий ҳолатни акс эттирувчи рақамларда номувофиқлик мавжуд. Масалан, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича маълумот фақат умумлаштирилган ҳолатда берилган. Жисмоний шахсларнинг муддати ўтган қарзлари эса кўрсатилмаган. Бундан ташқари, катта миқдордаги дебитор қарздорликларни қонунга хилоф равишда "умидсиз қарз" сифатида ўчириб юбориш ҳолатлари ҳам учрайди. Ахир электр энергияси — тез бузиладиган, айниб қоладиган маҳсулот эмас. Фойдаланилган хизмат учун ҳисобланган ҳар қандай ҳақ истеъмолчи томонидан тўланиши, қонунчиликда белгиланган муддатларда ундирилиши шарт. Ҳисоб-китоб ишларида тегишли тартибга эришиш учун барча тоифадаги раҳбарлар, табиийки, ўз фойдасини эмас, аввало, давлат ва жамият манфаатини ўйлашлари зарур. Чунки ижроси ўрганилган Қонуннинг 7-моддасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, қонунни билиши ва бажариши шарт бўлган шахслар доирасини аниқлаш, ҳисоб-китобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш каби масалалар айнан раҳбар томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган.

Йиғилиш давомида қўмита аъзолари яна бир жиҳатга эътибор қаратишди. Қонуннинг 20-моддасига кўра, очиқ акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботини, аудиторлар томонидан тасдиқлангач, кейинги йилнинг 1 майигача эълон қилишлари лозим. "Ўзбекэнерго" компаниясининг шаҳар ва туман электр тармоқлари корхоналарида йиллик аудиторлик текширувлари юзаки ўтказилганлиги шундоққина кўриниб турибди. Аудиторлик хулосаларида молиявий ҳисоботларга ижобий баҳо берилаверган. Ваҳоланки, мониторинг жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар тизимда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тамойиллари бузилганлигидан далолат беради. Энг аввало, бу тушум ва харажатларнинг мутаносиблиги тамойилидир. "Даромадга қараб буромад" деганларидек, иқтисодий фаолиятнинг жон томири айни шу тамойил эмасми? Қолаверса, "баланс" сўзининг ўзини ҳам бугун нафақат мутахассислар, балки ҳаммамиз кенг қўллаяпмиз. Фойда билан сарф-харажатнинг мос келиши барчага тушунарли. Демак, бухгалтерия баланси ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект учун биринчи даражадаги ҳужжат. Қоидага кўра, актив ҳамда пассивлар, дебет ва кредит бўйича иккиёқлама ёзув услуби қўлланилади. Ушбу муҳим тамойил тизимдаги корхоналарнинг тегишли бошқарув органлари ҳамда назорат тузилмалари эътиборидан четда қолган.

Қўмита ишчи гуруҳи шу каби салбий ҳолатларнинг сабаби "Ўзбекэнерго" ДАК ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилинмаганида, деб ҳисоблайди. Йиғилишда мониторинг натижалари батафсил муҳокама қилингач, хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

> Албатта, парламент қуйи палатаси депутатлари, шу жумладан, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзолари бу борадаги тегишли назорат-таҳлил фаолиятини давом эттиради. Зеро, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун барча корхона ва ташкилотларда ҳисоб-китобнинг аниқ ва тўғри бўлишини таъминлайди. Ва айни пайтда у мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга ундайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, қонун ижросига масъуллик билан ёндашиш айни заруратдир.

Машкура ЗОҲИДОВА.

Фахр

Аёлларни қадрлаш, эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бизда энг эзгу қадриятлардан бири саналади. Бундай олижаноб муносабат, айниқса, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида янада юксак чўққиларга кўтарилди. Хусусан, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, иқтидорларини рўёбга чиқариш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишлари қаторидан жой олган.

АЁЛЛАРИ АРДОҚЛАНГАН ЮРТ

Мана шу эътибор ва ғамхўрликка жавобан бугун аёлларимиз ҳам турли соҳаларда эркаклар билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилишмоқда, ўзларининг нималарга қодир эканликларини амалда намоён этишмоқда.

Оилаларнинг файзи бўлган оналаримиз, опа-сингилларимиз учун яратиб берилаётган шарт-шароитларни фақат шаҳарларда эмас, балки қишлоқ жойларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, биргина бизнинг Гулобод қишлоғидаги "Собурзон" маҳалласини олайлик. Бу ерда 669 та оила бор, 2360 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 1174 нафари хотин-қизлардир. Аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, ўтган йили маҳалламизда 2 та — "Гулобод гилами" ва "Мухтор-Беҳрўз" гиламчилик корхонасининг фаолият кўрсата бошлагани айни муддао бўлди. Чунки шу орқали 100 дан ортиқ хотин-қиз ишли бўлишди. Бундан ташқари, уйида тикувчилик билан шуғулланаётган, ўз ҳунарини ёшларга ўргатаётган аёлларимиз ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Яқинда "Гўзаллик салони" очилди. Бу йил яна биттаси ишга тушади. Уларда ҳам ўзимизнинг маҳалла қизлари ишлашади. Илгарилари шаҳарлардаги савдо дўконларига кирганда, ҳавасимиз келарди. Энди эса маҳалламизда ҳам замонавий "Минимаркет" ишлаяпти. Режага кўра, жорий йилда яна иккита ана шундай дўкон фойдаланишга топширилади. Қишлоғимиз табиий газ билан тўлиқ таъминланган, алоқа тизими яхшиланаяпти, замонавий қишлоқ врачлик пункти аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатаяпти. Бу каби ижобий ўзгаришлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Хўш, барчаси ниманинг шарофати? Шубҳасиз, мустақиллигимизнинг, осойишта ҳаётимизнинг шарофати. Шунинг учун ҳам тўю тантаналарда, давраларда кўпни кўрган кексаларимиз тинчлигимизга, мустақиллигимизга кўз тегмаслигини сўраб, дуо қилишади.

Биласиз, қишлоқ жойида рўзғорнинг баракаси чорва, парранда билан. Ҳозир маҳалламиздаги ҳар бир оилада бунинг учун имконият бор. Ўтган йили 26 та кам таъминланган оилага ҳомийлар маблағи ҳисобидан бепул қорамол берилди. 12 та оила имтиёзли кредитга қорамол сотиб олди. Эътиборлиси, шу орқали 38 нафар аёлга меҳнат дафтарчаси очилди. Қисқаси, бўш ўтирган, турмушидан нолиган аёлни кўрмайсиз. Қишлоқларимизда бундан кейин ҳам ҳали кўп яхши ишлар қилинишига ишонамиз. Чунки "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ҳам шундай тадбирларга ҳамоҳанг.

Аёлларимизнинг меҳнати ҳеч қачон беиз кетмаяпти. Ўзимдан қиёс. Ёшим 60 дан ошди. 27 йил давомида ёшларга таълим-тарбия бердим. Айни дамда маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаяпман. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирландим. Шунинг ўзи хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг бир мисолидир. Бундан кейин ҳам бор куч ҳамда имкониятимни ишга солиб, маҳалламизнинг обод бўлишига ҳиссамни қўшмоқчиман.

Ҳадемай Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрамини кенг нишонлаймиз. Шу кунларда барчамиз ана шу қутлуғ санани муносиб қутиб олиш учун катта ҳаяжон билан ҳозирлик кўраяпмиз. Ниятимиз, юртимиз бугунгидан гуллаб-яшнасин, муқаддас байрамимиз абадий бўлсин.

Зеваржон МАТЁҚУБОВА,
Янгиариқ тумани Гулобод қишлоғидаги "Собурзон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси,
II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси.

Яхши хабарлар

ПОЙАБЗАЛ ДИЗАЙНИ МАРКАЗИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида "Пойабзал дизайни маркази" очилади.

"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ушбу марказда талабалар мода оламида пойабзал дизайни, тери-атторлик моллари тайёрлаш борасидаги тамойилларни ўрганадилар ва истиқболли моделлаштириш тавсияларини ишлаб чиқадилар.

Д. МАҚСУДОВА.

ЭЪЗОЗ ТОПГАН ТАДБИРКОР

Қизилтепа туманидаги "Ободлик" ҳайрли ишлари туфайли ҳам қишлоқдошлари орасида ҳурмат ва эътибор қозонган.

У маҳалладошларини иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, кўча-кўйни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Яқинда тадбиркор йилига тўрт миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонани ишга туширди. Айни пайтда темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, асфальт корхонаси ёнида тош майдалайдиган технологик линия фаолияти йўлга қўйилди. Натижада қишлоқ ёшларидан 50 нафари доимий иш жойига эга бўлди.

Э. ҲАМДАМОВ.

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

Жалолқудуқ туманидаги "Безак" фирмаси бунёдкорлари 120 ўринга мўлжалланган мактаб биносини фойдаланишга топширдилар.

Эндиликда Туяласи қишлоғи ёшлари янги ўқув йилини муҳташам, барча қулайликларга эга замонавий бинода бошлайдилар. Ушбу таълим муассасаси биносини барпо этиш учун жами 160 миллион 950 минг сўм маблағ сарфланди.

Ш. ОДИЛОВ.

Бухоро:

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН БАҲРАМАНД ВОҲА

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Янги турмуш" қишлоқ фуқаролар йиғинида ажойиб бир инсон бор. Чаққон, тиниб-тинчимаслиги шундоқ сезилиб турган бу йигит "Гани Пўлот" фермер хўжалиги раҳбари Субҳон Ганиев бўлади.

— 2006 йилнинг 19 майи хотирамдан сира кўтарилмайди, — дейди у. — Даламга мамлакатимиз Президенти ташриф буюрдилар. Бошимиз кўкка етди. Маслаҳатларига амал қилиб кам бўлмаяпмиз. Жорий йилда пилла ва ғалладан мўл ҳосил олдик. Ихтиёримизда ўттиз тонна атрофида дон қолди. Ўўзанинг авжи дуруст. Техникамиз етарли. Бир гектар ерда токзор барпо қилиш ниятидамиз. Ўзим-ку ўзим, оғаини, жиянларни ҳам тинч ўтиргани қўймайман. Сизга айтсам, ҳалол меҳнатнинг роҳати бўлакча. Ер эгаси — фермерман. Дала худди уйимиздек қадрдон бўлиб қолди. Табаррук ёшдаги онам Ҳаж зиёратига бориб келдилар. Яхши ният қилсанг, фаришталар омин, дер экан. Гапнинг индаллоси шу.

"Бундоқ санаторийга бориб, дам олишни ҳам ўйлаяпсизми?" деб сўрасам, фермер янада жиддий тортди: "Ўйлаяпман, аммо аввало, ишчиларимни дам олгани юборишни чамалаб турибман". Тантиликни қаранг.

Фермер истиқомат қилаётган "Маҳалла" деб номланган қишлоқ шаҳардан сира қолишмайди. Аҳоли табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминланган, йўллар равон. Шу йўлларнинг бири ҳунарманд Собир Болтаевнинг уйига элтади. Собиржоннинг отаси — кекса қишлоқ муаллими Неъматжон ака билан қадрдон дўстмиз.

— Биласиз, илгари кўримсизгина ҳовлида қисиниб-қимтиниб яшардик, — дея эслайди у. — Кўриб турганингиздек, ҳозир ҳашаматли уйимиз бор. Тўйхона, савдо дўконимиз эл хизматида. Оёғимиз остида "Нексия". Бундан ортиғини ҳавас қилиш мумкинми? Буларнинг барчаси Мустақиллик шарофатидан.

Ҳунар ортидан бахтини топган Собиржон ва унинг шогирдлари ишига разм соламиз. Бадиий ёғоч ўймакорлиги сабр-тоқат, қунт, маҳорат, юксак дидни талаб қилади. Дейлик, битта устунни тайёрлаш учун усталар минг соатга яқин вақт сарфлашади. Гиреҳ ва занжир деб номланган қадимий услубларда ишлаш учун геометрия ва математикадан ҳам яхши хабардор бўлиш керак. Олий маълумотли Собиржоннинг ижод намуналарини Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Бобо Самосий, Мири Кулол, Хўжа Исмат Бухорий зиёратгоҳларида учратиб, уста маҳоратига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

— Президентимизнинг биз, ҳунармандларга кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли унутилаёзган ёғоч ўймакорлиги санъатини қайта тикладик, — дейди Собиржон. — Юздан зиёд зиёратгоҳ учун ёғочдан муҳташам дарвоза, эшик, панжара ясаб бердик. Буюртма кўп. Ҳозир Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Шаҳобиддин ибн Умар зиёратгоҳи учун юз миллион сўмлик буюртмани бажараяпмиз.

Бугун Бухоронинг қай бир гўшасига борманг, бунёдкорлик оғушидаги одамларга юзма-юз келасиз. Ҳар жабҳада илғор бу инсонлар меҳнати, ақл-заковати билан турмушимиз фаровонлашмоқда, яшаш янада мароқли бўлаётир. Саҳронинг қоқ ўртасида барпо этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси эришаётган ютуқлар, айниқса, қувончли.

— Истиқлол шарофати билан қурилган гигант корхонамиз мамлакат нефть мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутади, — дейди завод директори, техника фанлари доктори Ш. Саидаҳмедов. — Бунга ишонч ҳосил қилиш учун фаолиятимизга бир назар ташлашнинг ўзи кифоя. Чунончи, нефть маҳсулотлари турларини кўпайтириш мақсадида 2006 йилдан бошлаб "Аи-80", "Аи-91" русумли автобензинлар, 2008 йилдан углеводород эритгичлар, экологик жиҳатдан жаҳон стандартларига мос келадиган дизель ёнилғиси, 2009 йилдан бошлаб 45 даража совуқда ҳам қотиб қолмайдиган дизель ёнилғиси ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, ютуқлар бисёр. Айниқса, бугун Нефтчилар шаҳарчасини таниб бўлмай қолди. Замонавий шифохона, "Ёшлар маркази", сунъий кўл, муҳташам маданият саройи, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, иқтидорли болалар академик лицейи — буларнинг барчаси завод жамоаси, ишчи-ходимлар фарзандлари, қоровулбозорликлар учун! 2004-2008 йиллар давомида 200 дан зиёд шинам, яшашга қулай коттежлар қурилганини айтмайсизми?

Ҳа, истиқлол йилларида табаррук бу замин қайта ёшарди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Кўркамликда бири-биридан қолишмайдиган мактабу коллежлар, спорт мажмуалари барпо қилинди. Шинам меҳмонхоналар қад ростлади. Шўролар тузуми даврида қаровсиз ҳолга тушиб қолган мадрасаю масжидлар, қадимий ёдгорликлар таъмирланди, муқаддас қадамжолар обод этилди. Шариф шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Кўҳна ва навқирон Бухоро дунёга юз тутди. Шундай дейману Бухорои шарифнинг жаҳондаги кўплаб шаҳарлар билан биродарлашгани ёдимга тушади. "Юртингизга илк бор 1992 йилда келганман. Ўшанда Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби гўзал шаҳарларингизда бўлиб, бир олам таассурот билан қайтган эдик, — дейди Туркиянинг Малатия шаҳри вакиллари. — Мана, орадан 17 йил ўтиб яна шаҳрингиз меҳмонимиз. Бухорода шу давр оралиғидаги ўзгаришларни кўриб беҳад ҳайратга тушдик. Бунёдкор халқингизга ич-ичимиздан тасанно айтдик. Бугунги Бухорони чинакам мўъжиза десак, адашмаймиз".

Чиндан ҳам, биз мўъжизалар яратиб яшашга одатланган халқмиз. Истиқлол йилларидаги мўъжизаларни эса, санаб адоғига етиш мушкул. Сарбони бор халқмиз-да. Минг карра шукр. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она-юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим".

Тошпўлат АҲМЕДОВ,
шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Дунё нигоҳи

ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Тошкентда бўлиб ўтган "Демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги" мавзуидаги халқаро анжуманда муқаддам ўтказилган сайловлар, бўлажак сайлов кампаниясига тайёргарлик ишлари ва умуман, сайлов ҳуқуқига баҳо берилди.

Кузатувчилар ҳамда экспертларнинг, жумладан, бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг фикрига кўра, қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун сиёсий партиялар ва ҳаракатларга ҳокимиятнинг вакиллик ҳамда ижроия органларини шакллантиришда фаол иштирок этишлари учун сифат жиҳатдан янги ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади.

Германия, Италия, Ҳиндистон, Литва, Япония, Жанубий Корея, Россия ҳамда бошқа давлатлар мутахассислари, халқаро ташкилотлар ва хорижий жамғармалар экспертлари, ҳуқуқшунос-олимлар томонидан Ўзбекистон сайлов тизими демократик талабларга жавоб бериши ҳамда сайлов ҳуқуқи борасидаги халқаро тамойиллар ва стандартларга мос келиши эътироф этилмоқда.

Жумладан, Нагоя университети (Япония) олий ҳуқуқ мактаби декани Казутака Сугиура "Ўзбекистонда мамлакатнинг халқаро ҳуқуқда маълум сайлов стандартларини ҳисобга олувчи Конституцияси ва қонунлари асосида вақти-вақти билан ўтказиб турилувчи сайловлар давомида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантириш бўйича катта тажриба тўпланган. Мамлакатда партиявий рақобат ривожланмоқда, сиёсий партиялар ва жамият ўртасида ўзаро алоқалар яхши йўлга қўйилган, энг муҳими эса — давлатнинг ўзи ижтимоий-сиёсий жараёнларда аҳолининг фаоллашувидан, фуқаролик жамиятини демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилишга жалб этишдан, очиқ-эркин сайловлар ўтказишдан манфаатдор", дея таъкидлади.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган президентлик сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Римдаги "Ла Сапиенца" университети профессори Лаура Жузеппина Мажжининг фикрича, мамлакатимизда сайлов тизими сифат жиҳатдан жуда юқори ўриндадир, оммавий ахборот воситалари эса жамиятдаги барча қатламлар вакилларининг ғоя ва фикрларини ифода этиш борасида катта имкониятларга эга. Сайлов ҳуқуқи ошириш даги ўрнини кучайтириш имконини берди".

Халқаро конференцияда қатнашган Вильнюс университети доктори Вайдотас Вайчайтиснинг айтишича, Ўзбекистонда йўлга қўйилган жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг кенг иштирок этиши механизми Литва ва бошқа давлатлар учун ижобий тажриба вазифасини ўташи мумкин.

"Сайлов ҳақидаги қонунчилик ва уни такомиллаштиришнинг устувор ҳиҳатларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида қараш мумкин", дейди Нагоя университети Ҳуқуқий алмашув маркази директори Айкио Масанори.

Германиялик эксперт Ева-Мария Хенкелнинг фикрича, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тизими халқаро ҳуқуқнинг барча талаблари ва стандартларига жавоб бериб, унга кўра, давлат ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишини кафолатлайди ва бунда унинг сайлов ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминлайди, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имконини беради.

Японияли олим Йосуке Шамотонинг айтишича, сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими демократик эканлигини, шунингдек, унинг халқаро стандартларга мослигини билдирадиган бешта жиҳат бор. Булар — сайловлар чоғида умумийликка, тенгликка, эркинликка, тўғридан-тўғрилик тамойилига риоя қилиниши ҳамда овоз беришнинг яширинлигидир. Бу сифатларнинг барчаси Ўзбекистон сайлов тизимида мавжуд.

"Ўзбекистон қонунчилиги сайловлар борасида бошқа мамлакатлардагига нисбатан анча демократик ва ҳамма учун очиқдир, — дея таъкидлади ўзбекистонлик журналистлар билан суҳбат чоғида японияли мутахассис. — Ўзбекистонда 25 ёшга кирган ҳар қандай фуқаро ўз номзодини олий қонунчилик палатасига кўрсатиши мумкин. Японияда эса парламент депутати бўлиш учун 30000 АҚШ доллари миқдорида гаров пули тўлаш талаб қилинадики, буни кўпчиликнинг чўнтаги кўтармайди. Шу маънода, сизлардаги депутатликка номзод бўлишнинг умумийлик ва тўсиқсизлик тамойили эътиборга молик".

Хорижий экспертларнинг айтишича, қабул қилинган Қонун, ўз навбатида, сиёсий партияларнинг ижроия ҳокимият органларини шакллантиришга ва уларнинг фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишга фаол таъсир ўтказиши учун ҳам ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб беради.

> Халқаро мутахассислар баҳосига кўра, Ўзбекистон сайлов тизими демократик тамойилларга мос бўлиб, бунда мамлакат фуқаролари ўз келиб чиқиши ва миллатидан, динидан, жинсидан, маълумотидан, машғулот туридан, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, бир хилда сайлов ҳуқуқларига эгадирлар.
>
> Бундан ташқари, хорижликлар томонидан таъкидландики, Ўзбекистонда кузатувчилар, жумладан, сиёсий партиялар вакилларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, овоз бериш ишларини кузатиш учун барча ҳуқуқий ҳамда ташкилий-техник шарт-шароитлар яратилган, сайлов иштирокчиларига эса сайловолди ташвиқотини юритиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар берилган.

С. ДОНИЁРОВ.

Ибрат

Ҳиммати баланд фермер

Шўрчи тумани аҳолиси "Муҳиддинбек" фермер хўжалиги раҳбари Менгзиё Йўлдошевни ҳиммати баланд фермер сифатида яхши билади.

Гап шундаки, ўтган йили ушбу фермер хўжалиги 72 миллион сўмлик даромадининг нақд 5 миллион сўмини қишлоқ кўчаларини таъмирлаш ва ободонлаштиришга сарфлаган эди. У айни пайтда туман марказий шифохонасини таъмирлашга бир миллион сўм маблағ йўналтириб, тумандаги 68 ва 122-имконияти чекланган болалар интернат-мактабларига бу йилги ҳосилдан 4 тонна буғдой ажратди.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Хавфсизлик Кенгаши баёнот берди

Шимолий Кореянинг ядровий қуролни синовдан ўтказаётганлиги жаҳон ҳамжамиятининг жиддий эътирозига сабаб бўлди.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши ушбу масала юзасидан баёнот берди.

Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Унда айтилишича, КХДР бу билан БМТ резолюциясини бузди. Миллатлар Ташкилоти мутасаддилари расмий Пхеньянни бу каби амалиётларни ўтказишга барҳам беришга ва халқаро ҳамжамият талабларига бўйсунишга чақирди.

Қўпорувчилик ҳаракатлари

Филиппинда яна кетма-кет иккита қўпорувчилик ҳаракати содир этилди, дейилади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.

Биринчи портлаш Холо оролида, иккинчиси эса Илиган шаҳрида амалга оширилган. Полиция вакилларининг сўзларига кўра, бахтсиз ҳодиса оқибатида олти киши ҳаётдан кўз юмган, 47 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Ҳозирча мазкур хунрезликларни ҳеч ким ўз зиммасига олмаган.

Жиноятчи қўлга олинди

АҚШнинг Жанубий Каролина штатида бир нечта қотилликларни амалга оширган жиноятчи қўлга олинди. У шу йилнинг 6 июль куни навбатдаги хунрезликни содир этган пайтда полиция томонидан ўққа тутилган.

"Ассошиэйтед пресс" ахборотида келтирилишича, 41 ёшли Патрик Беррис беш кишига суиқасд қилган. Бундан аввал Беррис қотиллик, ўғрилик ва фирибгарликда айбланиб, умрининг саккиз йилини темир панжара ортида ўтказган эди. Икки ой муқаддам у шартли равишда қамоқдан озод этилганди.

Энг қиммат шаҳарлар

Япония пойтахти Токио дунёдаги энг қиммат шаҳарлар рўйхатида биринчи ўринни эгаллади.



Рўйхатда иккинчи ўрин кунчиқар юртнинг яна бир шаҳри — Осакага насиб этган. Учинчи поғонада эса Москва шаҳри қайд этилган. Кейинги ўринларни Женева, Гонконг, Лондон шаҳарлари эгаллаган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур рўйхат шаҳарлардаги яшаш жойи, ижара ҳақи, озиқ-овқат ва бензин нархларига қараб тузилган.

Мазкур ўзига хос рейтинг "Меркер инсон ресурслари консалтинги" маркази томонидан тузилган.

Нефть яна арзонлашди

Жаҳон бозорларида нефть нархи яна сезиларли даражада арзонлашди, дея хабар тарқатди "Рейтер" ахборот агентлиги.

Хусусан, Нью-Йорк биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида "WTI" типидаги "қора олтин"нинг бир баррели 2,68 АҚШ долларига пасайиб, 64,05 АҚШ долларини ташкил этган. Лондон биржасида эса "Brent" маркали нефть баҳоси 1,56 АҚШ долларига арзонлашган.

Мутахассислар бу ҳолатни доллар курсининг аста-секин барқарорлашиши билан изоҳлашмоқда.

Ҳайвонот боғидаги ҳодиса

Англия шимоли-ғарбида жойлашган Честер шаҳридаги ҳайвонот боғида олиб борилаётган кўчириш ишлари чоғида 30 та маймун қочириб юборилган.

Маймунлар "Шимпанзелар оролча"сини ташлаб, ҳайвонот боғининг уларга озиқ-овқат тайёрланадиган қисмига қараб йўл олган. Жониворлар қай йўсинда ўз уяларидан чиқиб кетгани номаълум.

Маймунлар қочиб чиққан вақтда у ерда 5 мингга яқин одам бўлган. Хизматчилар ҳар эҳтимолга қарши томошабинлардан зудлик билан боғни тарк этишларини сўрашган.

Таъкидлаш керакки, Честер ҳайвонот боғига йилиги 1,3 миллион киши ташриф буюради. Бу маскан дунёдаги ана шундай энг яхши муассасалар қаторида туради. Унда етти мингга яқин турли ҳайвонлар сақланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

РКМБ марказий идораси биносида 2009 йил 10 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига биржа кузатув кенгаши ва бошқарувининг 2009 йил 6 июлдаги қарорларига асосан, РКМБнинг Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уйда жойлашган Жиззах вилояти филиали биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 48 054 773 сўм.

Ушбу кўчмас мулк 2009 йил 10 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 25 август ва 10 сентябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банкининг «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

Маълумки, 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-ҳануз аксарият давлатлар иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказмоқда. Мана шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимиз банк тизими тақдим этилаётган банк хизматларини такомиллаштирмоқда, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ банк операцияларининг ҳар хил турларига йўналтирилган активларни реструктуризациялаш борасида фаол иш олиб бормоқда. Тижорат банклари актив операцияларни бажариш орқали барқарор катта даромад олиш билан бирга, хатарларни енгиллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият бераяптилар. Айтиш жоизки, замонавий молия бозорини тараққий эттиришнинг устувор йўналишларидан бири, бу мамлакатимиз фонд бозорини ривожлантиришдир.

«Ўзмиллийбанк»:

ФОНД БОЗОРИДАГИ ПЕШҚАДАМЛИК

Молия муассасаларининг қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритиши учун қатор қулайликлар яратилгани боис банклар фонд бозорида фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, банклар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва норматив ҳужжатларда қимматли қоғозлар бозорида ҳар қандай функцияларни бажариш, хусусан, эмитент, инвестор, инвестиция муассасаси сифатида фаолият олиб бориш юзасидан чекловлар йўқ. Банкларнинг молиявий аҳволи барқарорлиги, кадрлар салоҳияти юқорилиги қимматли қоғозлар билан операцияларни бажариш учун катта ресурслар ажратиш имконини беради. Анъанавий банк операциялари бўйича даромад олиш имконияти пасайганлиги молия муассасаларини даромад олишнинг бошқа муқобил манбалари устида фаолроқ ишлашга мажбур қилаяпти. Таъкидлаш жоизки, банклар йирик эмитентларгина эмас, катта инвесторлар ҳамдир. Улар ўз салоҳиятидан кенг фойдаланиб, қимматли қоғозлар бозорида бевосита иштирокчи бўлиб қолмасдан, қимматли қоғозлар савдосини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратувчи фонд бозори инфратузилмасининг муҳим ёрдамчи муассасалари сифатида ҳам тобора муҳимроқ ўрин эгалламоқдалар. Банклар ўз қимматли қоғозларини чиқариш асосида ўзларининг устав ва айланма жамғармаларига қўшимча ресурсларни жалб этиш эҳтиёжи мавжудлиги банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллигини оширувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси фонд бозори вужудга келганидан буён ўтган вақт мобайнида мамлакат тижорат банклари шунчаки унинг иштирокчиси бўлиб қолмай, айни пайтда бозор инфратузилмасини шакллантириш борасидаги вазифаларнинг бир қисмини ўз зиммаларига ҳам олдилар. Ушбу сафдаги етакчи ўринлардан бирини ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки эгаллаган.

"Ўзмиллийбанк" иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида бошқа тижорат банклари билан биргаликда «Элсис-Савдо» биржадан ташқари савдолар электрон тизимини яратди.

Ҳозирги кунда «Элсис-Савдо» иккиламчи бозорда акциядорлик жамиятларининг акциялари билан миллий валютада савдолар ўтказиш учун ўз савдо майдончасига эга. Шуни ҳисобга олиб, "Ўзмиллийбанк" билан унинг ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисида тузилган шартномага кўра, янги дастурий маҳсулотлар билан ишловчи буюртмалар қабул қилиш пунктлари тармоғини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Республиканинг энг катта универсал банки ҳисобланувчи "Ўзмиллийбанк" фонд бозорида, аввало, инвестор сифатида иш олиб бормоқда. Бунда у корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган миллий инвестиция дастурига амал қилаяпти.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, "Ўзмиллийбанк"нинг корхоналар

Молия муассасаларида

акциялари ва улушларини сотиб олишга йўналтирилган жами қўйилмалари ҳажми 299 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2009 йил 1 январида 39,37 млрд. сўм эди. Йил бошидан буён банкнинг инвестиция портфели ўсиши 259,6 млрд. сўм бўлди.

Қимматли қоғозлар ва улушларга инвестицияларни амалга ошириш чоғида банкнинг инвестиция сиёсатида фаолият миқёсларини кенгайтириш, қўшимча мижозларни жалб этиш билан бир қаторда, асосий мезон сифатида фонд портфелининг даромадлилигини таъминлаш кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, банкнинг инвестиция фаолиятида иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга қаратилган стратегия устувор аҳамиятга эга. "Ўзмиллийбанк" мамлакатимиз саноати корхоналарининг акцияларига инвестицияларни йўналтириб, «Ўзавиализинг» ОАЖ ва «Ўзметкомбинат» АИЧБ каби корхоналарнинг акциядори бўлган.

Эътироф этиш жоизки, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган тўғри иқтисодий сиёсат инвестициялар оқимини йил сайин кўпайтириш имконини бермоқда. Рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кўпайиб, экспорт ҳажми ошаяпти.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда ўша йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонлари инвестицияларни жалб этиш соҳасида муҳим қадам бўлди. Чунки мазкур ҳужжатлар молиявий соғломлаштириш ва барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, ишлаб чиқариш ташкил этилишини такомиллаштириш, қувватларни реструктуризациялаш, чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш, ташқи ва ички инвестицияларни жалб этиш каби муҳим вазифаларни назарда тутади.

Давлатимиз раҳбари фармонларини бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иккита янги шўъба инвестиция компаниясини таъсис этди. Булар «NBU INVEST GROUP» ҳамда «NBU Investment» компанияларидир. Уларнинг устав фонди 100 фоиз "Ўзмиллийбанк" маблағлари ҳисобидан шакллантирилди. Компанияларнинг уставида хорижий инвестицияларни жалб этиш, инвестиция фондларини ташкил қилиш, консалтинг, андеррайтинг, депозитар хизматлар ҳамда активларни бошқариш хизматлари кўрсатиш асосий вазифалар қилиб белгиланган.

"Ўзмиллийбанк" Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш борасида аниқ мақсадли ишларни олиб бормоқда.

Аҳолининг фаровонлигини ошириш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 2 мартда «Жисмоний шахслар учун "Ўзмиллийбанк" ютуқли жамғарма сертификатларини чиқариш, улар муомалада бўлиши ва сўндирилиши шартлари»ни рўйхатдан ўтказди.

Ютуқли жамғарма сертификати эгасининг номи кўрсатилмайдиган, бланк шаклида чиқариладиган қимматли қоғоз ҳисобланади. "Ўзмиллийбанк"нинг ютуқли жамғарма сертификатлари бир қанча асосий афзалликларга эга. Хусусан:

— сертификатларнинг ҳаммасига ютуқ чиқади;

— олинган даромадлар солиққа тортилмайди;

— катта ликвидликка эга, яъни иккиламчи бозорда эркин муомалада бўлиши ва бошқа жисмоний шахсларга сотилиши мумкин.

"Ўзмиллийбанк" илк маротаба банк қимматли қоғозлари бозорида жамғарма сертификатлари бўйича ютуқлар тиражини ўтказиши мазкур нашрнинг энг муҳим янгилигидир. Бундай қимматли қоғозларни сотиб оладиган жисмоний шахслар сертификат сўндирилаётганда омонатнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизларни олишдан ташқари, қимматбаҳо совринларни қўлга киритиш имконига ҳам эгалар.

Ушбу қимматли қоғозларни "Ўзмиллийбанк"нинг исталган бўлими ва филиалидан сотиб олиш мумкин.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Унга қатъий риоя қилиш ютуқлар омили бўлаётир.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида кўплаб ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, ишсизлар сони ортаётган бир пайтда республикамизда барча соҳаларда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Бу, албатта, Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида Инқирозга қарши чоралар дастури ўз вақтида ишлаб чиқилганининг самарасидир.

Дарҳақиқат, мазкур дастур ижроси жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Шуни ҳисобга олиб, пойтахтнинг Сергели тумани ҳокимлиги томонидан инқирознинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш мақсадида ўнга яқин фармойиш ва қарорлар қабул қилиниб, ҳудудий дастур режаси ишлаб чиқилган эди. Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилаётгани туфайли туманда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пудратқурилиш ишлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида қувонарли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи якунларига кўра, бу ерда 12 миллион 738 минг АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинганлиги шундан далолат беради. Бунда, айниқса, "Файз" ОАЖ холдинг компанияси, "Тошиккиламчиранглиметалл" МЧЖ, "Мебель", "Баракат альфа", "Рока текстиль", "Ремель текстиль" сингари қўшма корхоналар жамоаларининг ҳиссаси салмоқлидир.

2009-2010 йилларга мўлжалланган дастур режасига мувофиқ, туман иқтисодиётига 1,5 миллион

Жараён

евро, 16 млн. АҚШ доллари ва 36 миллиард сўмлик хориж инвестицияси ҳамда банк кредитлари жалб этилиши мўлжалланган. Жумладан, ҳудудда фаолият кўрсатаётган "Тошбрунинтекс" қўшма корхонасига 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя киритиш орқали 250 та янги иш ўрни яратилади. "Асл ойна" корхонасига 36 миллиард сўм, "Грин ворлд" қўшма корхонасига 5 миллион АҚШ доллари, "Файз текстиль групп" қўшма корхонасига эса 1,5 миллион евро миқдорида кредит жалб этилиб, ушбу корхоналарда ҳам мингдан зиёд киши ишга қабул қилинади.

Бундан ташқари, Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, "Ориент мебель", "Еаст колор", "Альфа пластик" қўшма корхоналари, "Центр оф Велдинг техноложес", "Мет фур сервис", "Драй микс техноложес" сингари масъулияти чекланган жамиятларида янги лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Амалга оширилаётган ана шу ишларнинг натижасида ўтган ярим йилликда 5808 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Шу билан бирга, туман ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан мавжуд корхоналар иқтисодиётини янада юксалтириш, улар ўртасидаги қарздорликларни бартараф этиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Пировардида Сергели тумани пойтахтнинг энг обод ва саноатлашган ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда, бу ҳудудда яшаётган аҳолининг турмуш фаровонлиги эса тобора яхшиланмоқда.

Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам шудир.

Усмон УСМОНОВ.

Соатига 100 килограмм нон

Булунғур туманидаги Муса Ҳайитов маҳалласида нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона ишга тушди.

Бунинг учун тадбиркор Нодир Багиров хориждан соатига 100 килограмм қолипли нон ишлаб чиқарувчи технология олиб келиб ўрнатди.

Айни пайтда корхонага 9 нафар ёш ишга жалб этилган. Улар тайёрлаётган оби нон ва қолипли нонларнинг бозори чаққон. Тадбиркор яқин орада мева ва сабзавот қуритиш ҳамда шарбат тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчи.

А. САТТОРОВ.

GUNWOO
ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган **ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР**НИ таклиф этади.

Диаметри 100 мм.дан 1000 мм.гача.

ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ:
суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.

1. Ичимлик суви таъминоти учун босимга чидамли, уч қатламли қувурлар (225-800 мм.)
2. Икки қатламли қувурлар (150-1000 мм.)
3. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
4. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)



Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.

ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.
ФАКС: (370 71) 715-63-16.
Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., Қанғли к., 16-«А» уй.
gunwoo@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти Қодир Жўраевга отаси

Асад ЖЎРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Иқтисодиёт назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Муаттархон Рустамовага ўғли

АЛИШЕРнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё технологиялари институти раҳбарияти ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Умумий кимё кафедраси доценти Илтифот Бадалбаевага падари бузруквори

ТУРОБЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Фармацевтика институти жамоаси Ботаника кафедраси собиқ доценти

Ҳолида МАҲКАМОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги шодиёналари кун сайин яқинлашмоқда. Ҳозир бутун мамлакатда шу улуғ айёмга қизғин ҳозирлик кўрилаяпти. Жумладан, қорақалпоқ заминида ҳам бунга ҳар жиҳатдан тайёргарлик давом этмоқда.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси ривожланиш йўлидан бориб, ўта қисқа тарихий муддат ичида ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ютуқларга эришмоқда. Шаҳарлар ва қишлоқлар чирой очмоқда, янги шаҳарлар бунёд этилмоқда, иқтисодиёт, саноат равнақ топа бошлади, халқ дунёқарашида, онгида ва қалбида туб ўзгаришлар рўй берди.

Қатрада қуёш акс этади, деганларидай, жумладан, ҳозирги кундаги қорақалпоқ маданияти, санъати ва спорти соҳаларида юз бераётган юксалишларда ҳам истиқлол элимизга берган имкониятлар ўзини равшан намоён этмоқда.

Ўтган йили Юртбошимизнинг қарорига мувофиқ, Маннон Уйғур номидаги Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали очилиши қорақалпоқ халқининг бетакрор санъати ва маданиятини янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни камол топтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгаши томонидан институт филиали учун бугунги кун талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган қулай маскан ажратилди ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида бу санъат олий таълим масканига 260 миллион сўмлик энг замонавий махсус асбоб-ускуналар олиб келинди. Ҳозир бу даргоҳда актёрлик санъати ва санъатшунослик ихтисослиги бўйича 25 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. 2009-2010 ўқув йили учун эса мусиқали театр актёрлиги, эстрада актёрлиги ва қўғирчоқ театри актёрлиги мутахассисликлари бўйича ёшларни ўқишга қабул қилиш режалаштирилган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида маданият муассасаларининг қишлоқ аҳолиси билан алоқасида янги давр бошланди. Масалан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали, С. Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар ва Қўғирчоқ театрлари қишлоқларга чиқиб, аҳолига янгидан-янги саҳна асарларини намойиш этмоқдалар.

2007 йили грант тариқасида 18 миллион сўм маблағ ажратилиб, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида халқимизнинг қаҳрамонлик достони "Алпомиш" мусиқали драмаси саҳналаштирилган эди. С. Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар театрига "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси томонидан 17 миллион сўмга юмшоқ ўриндиқлар, 12 миллион сўмга эса саҳна пардаси етказиб берилди.

Шунингдек, театрларимизнинг моддий-техник асосини такомиллаштириш мақсадида катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Чунончи, 2008 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрига 343 миллион 712 минг сўмга, С. Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар театрига 30 миллион 211 минг 385 сўмга ҳамда Қўғирчоқ театрига 9 миллион сўмга мусиқа-ижрочилик аппаратуралари, саҳна чироқлари олиб берилди.

Бундай ғамхўрликлар самараси ўлароқ, бугун театрларимиз ўз саҳна асарлари билан халқаро миқёсга чиқа бошлади. Масалан, 2007 йилнинг сентябрида Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган XIX халқаро экспериментал театрлар фестивалида С. Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар театри К. Раҳмоновнинг "Тўққиз тункилдоқ, бир чинкилдақ" комедияси билан муваффақиятли қатнашди. Худди шу йилнинг август ойида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрининг камер оркестри жамоаси Ашхабод шаҳрида ўтказилган "Туркманистон: мусиқа — инсониятнинг маънавий бойлиги" халқаро фестивалида юқори баҳо олди. Халқаро маданий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, миллий санъатимизни жаҳонга танитишда Франциянинг Париж, Нанси, Ницца шаҳарлари ва Люксембургда ЮНЕСКО раҳбарлигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Буюк Ипак йўли" халқаро фольклор ансамбллари ва ижрочилари фестивалида Генжебой бахши номидаги "Мухаллес" миллий дуторчилар ансамблининг бахши-созандаси Зиёда Шарипова, созанда Инжигул Сабурованинг муносиб иштирок этишганини фахр билан тилга олгимиз келади. Ўтган 2008 йилнинг сентябрь ойида эса Франциянинг Вильякруз академиясида торли чолғу асбоблари бўйича ўтказилган семинар-конференцияда "Аму тўлқини" фольклор-этнографик дастасидан жиров, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Есемуратов, Швеция мамлакатида миллий чолғу асбоблари халқаро анжуманида Санъат ижодий бирлашмаси созандаси Гулнора Алламбергенова муваффақиятли қатнашиб келишди.

Бор гапни айтайлик: қорақалпоқ миллий санъатининг бундай оламаро парвозини собиқ тузум даврида ҳатто хаёл ҳам қилиб бўлмас эди. Буларнинг бари мустақиллигимиз шарофати, қолаверса, юртимизда санъатга бўлган катта эътибор ва ғамхўрлик самарасидир, албатта.

Шуни алоҳида эътироф этишимиз зарурки, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов келажагимиз эгалари бўлган янги авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратиб, уларнинг маънавий ва жисмоний ҳар томонлама чиниққан, билимдон, замонавий кадрлар бўлиб камол топишлари учун барча имкониятларни яратиб бермоқдалар. Президентимиз ташаббуси билан "Ниҳол" танлови, Зулфия номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг таъсис этилиши, "Келажак овози", "Ягонасан, муқаддас Ватан" ва бошқа танловларнинг ўтказилаётганлиги сўзимизнинг исботидир. Шу кунгача Зулфия номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотини олишга Қорақалпоғистондан ўн нафар қиз муяссар бўлган бўлса, уларнинг беш нафари маданият ва санъат соҳасидан эканлигидан фахрланамиз, албатта.

Жорий йилда "Ниҳол" мукофотига тавсия этиш бўйича ўтказилган туман ва шаҳар босқичларида 565 нафар, республика босқичида 72 нафар иқтидорли ёшлар қатнашиб, улардан 10 нафари Тошкентда, мамлакат миқёсида ўтказиладиган учинчи босқичда иштирок этиш учун йўлланма олишди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Юртбошимиз раҳнамолигида давлатимиз томонидан яратилаётган улкан имкониятлар, кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликлар ёшларимизнинг маданият соҳасида кўплаб ютуқларни қўлга киритишига замин ҳозирлаб, Ўзбекистонимизни жаҳонга танитишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қалбай ТУРДИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири.

МУНАВВАР ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ

Қизилтепа туманидаги 36-махсус мактаб-интернатда 150 нафар руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бор ўғил-қизлар тарбияланади. Бу ерда 38 нафар малакали педагог уларга сабоқ бермоқда. Тарбияланувчилар турли касб-ҳунарга йўналтирилиб, уй-рўзғор юмушларида асқотадиган жиҳозлар ясаш ва таъмирлашни ўрганишаяпти. Тикувчилик устахонасида эса қизалоқлар моҳир тикувчи устозлари кўмагида чеварлик сирларини ўзлаштиришмоқда.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда кутубхонанинг ўрни ва аҳамияти алоҳида. Беш мингдан зиёд китоб захирасига эга зиё маскани қошида 15 та тўгарак мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

— Ушбу мактаб ўқувчилари жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказиладиган турли мусобақаларда мунтазам иштирок этишади, — дейди Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси мактаблар бўлимининг раҳбари Муҳаббат Қаҳҳорова. — Яқинда улар Тошкент шаҳрида футбол бўйича жисмоний имконияти чекланган ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақада кумуш медали кўлга киритишди. Шунингдек, Туркияда ўтказилган минифутбол мусобақасида интернат жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ижтимоий ҳимоя

Мактаб жамоаси ҳомий ташкилотлар ва саховатпеша инсонларнинг доимий эътиборида. Хусусан, Қизилтепа ғишт заводи, "Зилола пойдевори" хусусий корхонаси, туман маҳалла жамғармаси, республика давлат "Нефтгаз" инспекцияси сингари ҳомийлар ўтган йили интернатга 1,9 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатишди. Жорий йилда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ушбу даргоҳга беш миллион сўмлик спорт жиҳозлари ва тикув машиналарини совға қилди.

— Халқимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга самимий меҳр-оқибат кўрсатиш савоб амаллардан саналади, — дейди Кармана туманидаги 25-махсус мактаб-интернати директори Аминжон Амонов. — Бундай муносабат кўнгли ярим инсонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир. Ана шундай хайрли ташаббуслардан бири сифатида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан олис ҳудудларда яшаётган, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилиб, унда 30 нафар ўқувчи мароқли дам олиб қайтганлигини алоҳида қайд этишни истардик. Шунингдек, ҳомийлар янги ўқув йилига атаб болажонларга ўқув қуроллари, ДВД-плеер, ошхона жиҳозлари, ширинликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кийим-кечаклар улашишди.

Кармана туманидаги махсус мактаб-интернатда ҳам 281 нафар имкониятлари чекланган ўғил-қиз таълим-тарбия олади. Улар учун кўркам ва шинам ётоқхона, синфхона, кутубхона, ошхона, махсус сурдопедагог ва коррекцион дарслар учун махсус машғулот заллари мавжуд.

Мактаб-интернатда соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Яқинда ўқувчилар Қарши шаҳрида қизлар ўртасида бўлиб ўтган минифутбол ва дзюдо бўйича мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўрин соҳиби бўлдилар. Шунингдек, кўзи ожиз ўқувчиларнинг шахмат-шашка спорт беллашувида ушбу мактабдан 8 нафар ўқувчи қатнашиб, учинчи ўринни эгаллашди.

Мехру мурувватга йўғрилган амал юксак инсонийлик белгисидир. Мехрга муҳтож қалбларни мунаввар этмоқлик, мурғак фарзандларга чин дилдан ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ўз эртасига умиди ва ишончини мустаҳкамлаш қизилтепалик тарбиячиларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятининг бош мазмунини ташкил этади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солишга қаратилган Фармони эълон қилинганлигига ўн йилдан ошди. Шу давр мобайнида ушбу ҳужжат ҳаётимиздан мустаҳкам жой олди.

ИСРОФГАРЧИЛИК ТЎЙНИ БЕЗАЙДИМИ?!

Эътиборлиси, кишилар онгу тафаккури шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатлардан тозаланиб, покланиб бормоқда. Шунга қарамай, ҳамон "овозаси етти маҳаллага етсин" қабилида "ким ўзар"га чопаётган юртдошларимиз учраб турганлигини таассуф билан айтиш мумкин. Агар кимдир элнинг олдидан ўтиш ниятида тўй қилаётган бўлса, бошқа биров "фалончи"дан ўзиш илинжида...

Бундай сохта хўжакўрсинлик одатлари ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги сир эмас. Яқинда бир даврада шу йил институтни тамомлаган йигит айни пишиқчилик пайтида тўй қилиш, уйланиш нияти борлигини айтиб қолди. "Тўйларга етказсин, элнинг тўйлари бор бўлсин", дедик. Йигитнинг орзуси бир олам: таниқли қўшиқчилардан бирини олиб бориб, қишлоқдошларини қойил қолдирмоқчи. Нима қилибди, дерсиз?! Ахир, орзуга айб йўқ...

Енимиздаги ёши улуғроқ суҳбатдошимиз: "Агар шундай ниятинг бўлса, пул кўп экан-да", деди ҳазил аралаш. Йигит эса: "Қариндошлардан йиғсак, артистнинг пули топилади", деди бамайлихотир. Бундан кекса суҳбатдошимиз ранжиди: "Ортиқча пулинг бўлса, бирон нарса демасдим. Катта қўшиқчини олиб боргунча, ўша пулга қўшиб, пойтахт ёки вилоят марказидан уй сотиб ол, мана бу иш бўлади. Эрта-индин қаердадир иш бошласанг, уй асқотади. Ана шунда маслаҳатим тўғрилигига ишонасан. Қолаверса, қўшиқчига сарфлаган пулни қачон йиғиб, қарзларни қачон узасан..."

Балки ёшларнинг орзу-ҳавасини тушуниш мумкиндир. Бироқ катта ҳаёт тажрибасига эга, фойда-зиённинг фарқини ажратиб олган ёши улуғларнинг баъзан бу "пойга"да илгарилаб кетаётганликлари кишини беихтиёр мулоҳазага чорлайди.

Мана, неча кундирки, пойтахтимиздаги оилалардан бирида шодиёнага ҳозирлик кўришмоқда. Хонадон улуғлари — ўғил уйлаб, келин тушириш орзуси билан сармаст. Тўй муддати яқинлашган сари ташвишлар ортиб бораётир. Бунинг устига куёвтўра бошқаларникидан қолишмайдиган тўй қиламиз, деб ота-онани ҳоли-жонига қўймаяпти. Қатор ҳам иш бермади.

Қисқаси, тўй ўғил айтганидек ўтади. Ҳаммаси тўйдан кейин бошланади. Бу пайтда қарзларни қайтариш вақти келган эди. Қанча ҳаракат қилишмасин, қарз кечикди. Вақтида қайтаролмаётганлигидан ота-она одамлардан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Куёвтўра эса қўшимча иш олишга мажбур бўлди. Қўшимча иш уни жисмонан зўриқтирди, унинг ранг-рўйи сўлғин тортиб қолди.

Мулоҳаза

Орадан вақт ўтиб, у мулоҳаза қилиб кўрган, шекилли, яқин дўстларидан бирига: "Ота-онамнинг маслаҳатига қулоқ тутиб, "ким ўзар"га чопмасам бўларкан", деган гапни айтибди. Йигитнинг кеч бўлса-да, тушуниб етганлиги жуда яхши. Аммо ота-она қаттиқ турганларида, шу машаққатлар бўлмасмиди, деган фикр кимнингдир хаёлидан ўтган бўлса, ажаб эмас...

— Маҳалламизда 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди пойтахтимизнинг "Қорасарой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мажид Абдуллаев. — Тўй ёки маъракаларни фаолларимиз билан бамаслаҳат ўтказамиз. Тўғрисини айтганда, аҳолимиз ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити ғалабларини теран англаб етган. Шунинг учун тўй ва маъракаларни имкон қадар камтарона ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Баъзида дабдабали тўй қилиш истагидаги ёшларимиз чиқиб қолгудек бўлса, кексаларимиз билан биргаликда ўртага олиб, маслаҳат бераяпмиз, тўғри йўлга солаяпмиз. Ишқилиб, маслаҳатимиздан бош тортганлар бўлгани йўқ.

Тўйлар ўз йўлига, баъзида: "фалончи отаси ёки онасининг маъракасини дабдабали ўтказибди", деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Президентимиз Фармонида ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни дабдабали ўтказиш ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизга риоя этмаслик сифатида талқин этилган. Барча маҳаллаларда ана шу ҳаётий ҳақиқат халқимизга тушунтириб келинмоқда. Назаримизда, аҳоли бунинг туб моҳиятини теран англаб етмоқда. Зотан, аввалгидек оммавий дабдабалар ҳозир йўқ.

Энди, таъбир жоиз бўлса, тўйхонага кириб кўрайлик. Шаҳар ва қишлоқ тўйлари анчагина фарқ қилса-да, дастурхонга келганда уйғунлик касб этади. Аслида ҳеч замонда ўзбек дастурхони ғариб бўлмаган. Тўғри, дастурхоннинг тўкинлиги яхши. Аммо бу борада исроф тушунчасини четлаб ўтиб бўлмайди. Оиланинг неча йиллар давомида териб-йиққани — бир қисми истеъмол қилинса-да, бир қисми исроф бўлиб кетади. Шу топда хаёлингизга "Маҳаллада дув-дув" гап фильмидаги қуёвнинг онаси ҳолати келган бўлса, ажаб эмас. У тўй харажатларини кўз олдига келтириб, кимдадир зиқнадек таассурот қолдирган бўлиши мумкин. Бироқ у зиқналикдан эмас, аксинча, йиллар давомида тўплаган мол-мулкининг елга совурилишидан, исроф бўлишидан қўрққандек таассурот қолдиради кишида.

Қисқаси, бугунги кунда мамлакатимизда тўй ва маъракаларнинг замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналари шаклланиб бормоқда. Албатта, бу халқимизнинг оқилона саъй-ҳаракатлари самарасидир. Зеро, оқиллар бош бўлган тўй бир умрга татийди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalq_suzi@rambler.ru

ОБ-ҲАВО (8 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

2009 йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2009 йил 1 июлдан киритиладиган кўмир учун декларация қилинган нархларни қайд этиш 19-03-22-05-0'zR-29-2009-сонли реестрини тасдиқлади.

Монопол бирлашма (корхона) номи	Маҳсулот номи	Ўртача ҳисобланган меъёри, %		Ўлчов бирлиги	ҚҚС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх, сўмда
		Куллик	Намлик		
«O'ZBEK-KO'MIR» OAJ	2 BPK 50-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун	14,4	35,8	тонна	12 700
	Биржа орқали	14,4	35,8	тонна	24 100
	Аҳоли учун	14,4	35,8	тонна	24 100
	2 BOMSSH 0-50	23,8	35	тонна	30 000
	2 BOMSSH-B-1 0-50	32,5	35	тонна	23 130
	2 BOMSSH-B-2 0-50	46,7	35	тонна	13 500
	2 BR 0-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун	21,8	35,5	тонна	20 600
	Биржа орқали, бошқа истеъмолчилар учун	21,8	35,5	тонна	29 450
	2 BR-B-1 0-300 (200)	32,5	35,5	тонна	22 500
	2 BR-B-2 0-300 (200)	46,7	35,5	тонна	12 350

Изоҳ: маҳсулот кули ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёри фоиз ҳисобида GOST 8298-89, GOST 8302-87, Tsh 12-17:2001, Tsh 12-18:2001, GOST 8297-87га мувофиқ ўрнатилган. Кўмир сифати бўйича ўзгариш бўлганда, чегириш (ёки қўшиш) меъёрлари № 03-01-1988-сонли прейскурант бўйича қўлланилади. Кул бўйича ҳар бир фоиз кўпайиши ёки камайишига белгиланган нархдан 2,5%, намлик бўйича 2,0% миқдорида.

Спорт • Sport

25th Universiade BELGRADE 2009

Бутунжаҳон талабалар Универсиадаси

Сербия пойтахти Белградда XXV Бутунжаҳон талабалар Универсиадаси давом этмоқда.

Мусобақада дунёнинг 140 мамлакатидан келган 9 мингдан ортиқ талаба-спортчилар медаллар учун кураш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматининг хабар беришича, Универсиадада ҳамюртларимиз дзюдо ва таэквондо бўйича баҳсларда иштирок этмоқдалар.

Рустам Қосимжонов халқаро фестивалда

Кеча Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида халқаро шахмат фестивали бошланди.

16 июлга қадар давом этадиган ушбу нуфузли турнирда собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Шунингдек, мусобақада собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов (Россия), Руслан Пономарёв (Украина), Валехо (Испания), Вашье-Лагров (Франция) сингари жами ўн нафар гроссмейстер дона сурмоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Бокечилар муваффақияти

Қорақалпоғистонда спортнинг бошқа турлари қатори бокс ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Яқинда пойтахтимизда ўтган Ўзбекистон биринчилигида қорақалпоқ бокс мактаби тарбияланувчилари ҳам муносиб иштирок этишди. Жумладан, Е. Айтбоев ва Б. Бобожонов ўз вазн тоифаларида барча рақибларидан устун келиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мезбонлар — голиб

Автомобиль қўпкураши техник ва амалий спортнинг оммавий турларидан ҳисобланади.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ташаббуси билан Наманганда ташкил этилган ана шундай мусобақада республикамиздаги автомобилни фигурали бошқариш усталари ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Якунда умумжамоа ҳисобида эса фахрли биринчи ўрин мезбонларга насиб этди. Фарғона ва Бухоро вилояти вакиллари кейинги ўринларни банд қилишди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 7 8 9